**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**
**ВИЛОЯТ ДЕЗИНФЕКЦИЯ СТАНЦИЯСИ БОШ ВРАЧИ**
**ХУДОЙБЕРДИЕВ И.Б.**
**« 25 » ноябр 2020 й.**

## СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲУДУДИДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН ДАВЛАТ ТАСАРРУФИДАГИ ДЕЗИНФЕКЦИЯ СТАНЦИЯЛАРИНИНГ ПРОФИЛАКТИК ДЕЗИНФЕКЦИЯ, ДЕЗИНСЕКЦИЯ ВА ДЕРАТИЗАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ УЧУН 2021-ЙИЛНИНГ 1 ЯНВАРИДАН БЕЛГИЛАНГАН НАРХЛАР ПРЕЙСКУРАНТИ:

| № | Хизмат тури | Ўлчов бирлиги | Ташкилотлар учун нархлар сўмда | ССВгнинг 30.04.1997 йилдаги 198-сонли буйруғи бўйича |
|---|---|---|---|---|
| | **I.ДЕЗИНФЕКЦИЯ** | | | |
| 1. | Хоналар дезинфекцияси | 1 м² | 93,0 | Йилига 12 маротаба |
| 2. | Камерада дезинфекция | 1 кг | 1769,0 | Буюрма бўйича |
| | **II.ДЕЗИНСЕКЦИЯ** | | | |
| 1. | Бўгиноёқлиларга қарши | 1 м² | 98,0 | Йилига 12 маротаба |
| 2. | Хонаки пашшаларга қарши кураш | 1 м² | 82,0 | Мартдан- Ноябргача хар ойда 3 маротаба |
| 3. | Пашша учиб чиқадиган жойларда: қанотли пашшага қарши кураш | 1 жой | 2376,0 | Мартдан- Ноябргача, йилига 27 маротаба |
| 4. | Пашша ғумбаги ва қуртига қарши кураш | 1 жой | 3942,0 | Йил давомида ойига 3 марта йилига 36 маротаба |
| 5. | Шахсий шкафчалар | 1 дона | 1459,0 | Ойига 3 маротаба |
| 6. | Термитларга қарши | 1 дона захарли хўрак ўрнатишга | 6622,0 | 1 марта ишлов бериш баҳосида |
| | | 1 м² | 350,0 | |
| | **III.ДЕРАТИЗАЦИЯ** | | | |
| 1. | Кемирувчиларга қарши мунтазам кураш | 1 м² | 23,0 | Хар ойда 3 маротаба йилига 36 маротаба Эпид.кўрсаткич бўйича ундан кўпроқ |

**ИЗОҲ:**

1. Пашша ғумбаги (личинкаси) ва қуртига қарши курашиш мақсадида шартнома тузишда, ахлат контейнерлари, хожатхона ўраси, унитазлар сонига қараб ва чиқиндихоналар 1 м² ҳажми 1 жой ҳисобида тузилади.
2. Кимёвий воситалар нархлари, ойлик маошлар ошганда, нарх-наволар барқарорсизлигида кўрсатиладиган хизмат турларини нархини оширишни шартнома шартларига биноан Вилоят дезинфекция станцияси ўз зиммасида қолдиради ва мижозларни хат орқали хабардор этади.
3. Бажариладиган профилактик дезинфекция тадбирлари бир маротабалик бўлса, шу жумладан аҳолига пуллик хизмат кўрсатишга хам, тўланадиган ҳақ сарфланган дез. воситалар фоиз миқдорига қараб келишилган нархларда амалга оширилади, яъни 100% ишлов берилиб сарф қилинган дез.воситалар суммаси 5 га кўпайтирилиб нарх чиқарилади.
4. Термитга қарши тадбир бўйича калькуляция 1 та дезинфекторнинг 2 соат давомида 10 м² бажарадиган иши ҳажми ва термитларга қарши брикет ўрнатишга кетадиган ҳаражатлар ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

**БОШ ҲИСОБЧИ :** [signature] **М.ИБРАГИМОВА**

---

нусха

| Хужалик юритувчи субъектларни Корхона, ташкилотлар Ягона давлат регистрига киритилганлиги тугрисида | О включении хозяйствующего субъекта государственный регистр предприятий и организаций |
|---|---|

**ГУВОХНОМА**
**СВИДЕТЕЛЬСТВО**

| | | |
|---|---|---|
| 1. Тартиб раками ва руйхатга олинган сана / Исходящий № и дата заполнения | | 001587 |
| 2. Корхона, ташкилот ва хужалик юритувчи субъект номи / Наименование предприятий, организаций | хос раками / код ОКПО | 02026334 |

***Сурхондаре вилоят хужалик хисобидаги дезинфекция станцияси***

| | | |
|---|---|---|
| 3. ХХТУТ буйича асосий фаолият тури / Основной вид деятельности по ОКОНХ — тиббий хизмат курсатиш | Код | 91530 |
| 4. МШТ буйича мулкчилик шакли / Форма собственности по КФС | Код | 226 |
| 5.ТХШ буйича ташкилий –хукукий шакли / Организационно-правовая форма по КОПФ | Код | 2100 |
| 6. Корхона манзили МХОБТ буйича тулик хос раками / Местонахождение предприятия (полный код по СОАТО) | | |
| 7. Корхонанинг СТИР раками | Код | 201290330 |
| Термиз шахар | Код | 1722401 |
| 8.Давлат руйхатидан утказилган раками / Номер государственной регистрации | | 19.04.2000 й №409 |

Термиз шахар
(Карор, буйрук ва бошка хужжатлар асосида давлат руйхатига олинди ёки кайта руйхатдан утказилди)

9. Давлат руйхатидан утказилди( кайта утказилди) / Государственная регистрация (перерегистрация) произведена

Термиз шахар статистика булими
(руйхатга олувчи орган номи наименование регистрирующего органа)

Рахбар Руководитель
Ю.Э.Турдиев

подпись(имзо)

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги 1997-йил 30-апрелдаги 198-сон буйруғи билан тасдиқланган.

ПРОФИЛАКТИК ДЕЗИНФЕКЦИЯ ИШЛАРИНИ ОЛИБ БОРИШГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ

# ШАРТНОМАСИ

№ 33 «28» январь 2022 йил

ВИЛОЯТ ДЕЗИНФЕКЦИЯ СТАНЦИЯСИ «ИШ БАЖАРУВЧИ» бошлик ХУДОЙБЕРДИЕВ И.Б. Ўзбекистон Республикасининг "Аҳоли санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида"ги қонуни, Республика Президенти, Вазирлар Маҳкамаси фармон ва қарорларига, Корхона низомига асосланган ҳолда бир томондан,

Вилоят ахолисига ёрдам, кексалар ногиронлар уйи директори Н. Рахимов

иккинчи тамондан «Буюртмачи» деб номланувчи қуйидагилар ҳақида ушбу шартномани тузди лар.

## 1. ИШ ҲАЖМИ.

1.1 «Буюртмачи» «Иш бажарувчи»га ташкилотида қуйида кўрсатилган ҳажмда профилактик дезинфекция, дезинсекция ва дератизация ишларини бажаришини ўз зиммасига олади.

| Т/р | Иш турлари | Ўлчов бирлиги | Ўлчов ҳажми ($м^2$) | | Ўлчов бирлиги нархи сўм | Йиллик тўлов суммаси | ҚҚСсиз |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Физик майдони | Оператив майдони | | | |
| 1 | Юза дезинфекцияси | $м^2$ | | | 93,0 | | ҚҚСсиз |
| 2 | Камера дезинфекцияси | кг | | | 1769,0 | | ҚҚСсиз |
| 3 | Бўгиноёқлиларга қарши | $м^2$ | 3800х1х3 | = 11400 | х 98,0 | = 1.117 200 | ҚҚСсиз |
| 4 | Чивин ва пашшага қарши | $м^2$ | | | 82,0 | | ҚҚСсиз |
| 5 | Пашша учиб чиқадиган жой | | | | | | ҚҚСсиз |
| а) | Қанотли пашшалар | жой | | | 2376,0 | | ҚҚСсиз |
| б) | Пашша қуртлари | жой | 15х1х3 | = 45 | х 3942,0 | = 177 390 | ҚҚСсиз |
| 6 | Шахсий шкафчалар | дона | | | 1459,0 | | ҚҚСсиз |
| 7 | Дератизация | $м^2$ | 1890х1х3 | = 5670 | х 23,0 | = 130 410 | ҚҚСсиз |

Шартнома ҳажми суммаси қуйидаги миқдорда белгиланди (ёзма равишда) 1.425 000

Бир миллион тўрт юз йигирма беш минг сўм

1.2. Иморатни, бинони, хоналарни, ховли санитария қурилмаларини, ҳудуднинг бинолар қурилмаган қисмларига ишлов бериш тартибини ва муҳитини «Иш бажарувчи» белгилайди. Шартномада кўрсатилган объектларда бир вақтнинг ўзида иш олиб боришини талаб қила олмайди, чунки дезинфекция ишларини ўтказиш регламенти соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган услубий қўлланмаларга асосан олиб борилади.

1.3. «Буюртмачи» буғимоёқлилар ва кемирувчиларга қарши шартномасига барча қурилма майдонларининг умумий фойдаланиладиган асосий майдон, яшаш хоналари, йўлаклар, девор жавонлари, сан узел, ошхона, зинапоя, ховли, майдон ва ёрдамчи иншоатлар (ертўла, чердак, техник ертўла, ахлат камераси, сарой, гараж, устахона ва бошқа қурилмалар ва х.к.) ва қурилмалар йўқ майдон киритилади.

1.4. Майдон ҳажми фақат Ер тузиш ва кўчмас мулки кадастри ДУК томонидан техник паспорт асосида белгиланади.

1.5. «Иш бажарувчи»га шартномада кўрсатилган иш ҳажмини текшириб кўриш ҳуқуқи берилади (қурилмалар сони, уларнинг майдони) ва кўрсатилмай қолган майдон аниқланган тақдирда «Буюртмачи» уни шартномага киритади ва яширган майдон учун шартнома кучга кирган кундан бошлаб пул тўлайди.

## 2.ДЕЗИНФЕКЦИЯ ИШЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ВА ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МАҚСАДИДА «БУЮРТМАЧИ» ҚУЙИДАГИЛАРНИ ЎЗ ЗИММАСИГА ОЛАДИ.

2.1 Ушбу шартнома учун жавобгар шахсни тайинлаши. Бу шахс объектнинг ахлат камераларининг санитария ҳолати, корхона ҳудудининг тозалиги учун жавоб беради, объектни текшириш ва ишлов беришда хамрох бўлади, қилинган ишлар учун ҳужжатларини имзолайди, корхона муҳри билан тасдиқлайди.

хўжалик мудири Шарипов

(Жавобгар шахснинг Ф.И.Ш., мансаби, телефон рақами )

2.2 Ишлов берилаётган объектларда барча техника хавфсизлиги чораларига амал қилишини таъминлаш (қўлланиладиган дез.моддага нисбатан) «Иш бажарувчи»нинг талабига асосан дезинфекция тадбирларини ўтказиш учун объектларни ёпиш жадвалини топширишни.

2.3 Биноларни ишлов бериш учун ўз вақтида ва сифатли тайёрлашни.

2.4 Хўраклар қўйиш учун зарур бўлган мосламаларни тайёрлаш ёки сотиб олиш. (Назорат майдонлари, трубкалар, хўрак яшиклари ва х.к.) ва **«Буюртмачи» худудида уларнинг йўқолиб кетмаслигини таъминлашни.**

2.5 Барча хоналарга кириш имкониятини таъминлаш, уларни ёритиш, электр хавфсизлигини таъминлаш, ертўлаларини сувдан тозалаш ва қуритиш. Зинапояларни, тутқичларни, полларни таъмирлаш ва бошқа техника хавфсизлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш шароитларини таъминлашни.

2.6 Дератизация ўтказувчи шахслар учун ишлашга қулай шароит яратиб бериш, девор томондан камида 70 см. очиқ жой қолдириш, стелляжларнинг пастки томони ердан камида 25 см. юқори бўлишини таъминлашни.

2.7 «Иш бажарувчи»нинг кўрсатмасига асосан кемирувчилар уяларини, турли тешик ва кавакларини беркитиб ташлаш учун материал ва ишчи кучи билан таъминлашни.

2.8 Кемирувчилар ва бўғимоёқлилар кўпайиши ва яшаши учун қулай шароитларни йўқотиш.

## 3.«ИШ БАЖАРУВЧИ» ҚУЙИДАГИЛАРНИ ЎЗ ЗИММАСИГА ОЛАДИ.

3.1 Профилактик дезинфекция ишларини олиб боришда Ў збекиситтон Республикасида ССВ лиги томонидан рухсат этилган дез.моддаларни қўллашни.

3.2 Руҳсат этилган ва амалда қўлланилаётган ташкилий-методик кўрсатма ва йўриқномаларга асосан ишлашни.

3.3 «Буюртмачи» га ишлатилаётган дез.моддалар ҳақида эхтиёт чораларини тушунтириш ишларини олиб боришни.

3.4 «Буюртмачи» ҳудудида кемирувчи ва бўғимоёқлилар тарқалишига омил бўладиган шароит ва сан.техник камчиликларни аниқлаш, уларни бартараф этиш йўл йўриқни «Буюртмачи» га тушунтиришни.

3.5 «Буюртмачи» объектида кемирувчи ва бўғимоёқлилар кириб келишининг олдини олиш мақсадида профилактик текширув ва ишлов беришни.

3.6 Кемирувчи ва бўғимоёқлилар борлиги аниқланган тақдирда уларга қарши жадал кураш ишларини олиб боришни.

3.7 Кемирувчилар сони (қириш ишлари бошлангандан камида уч ойдан сўнг) бўғимоёқлилар сонини (камида олти ой муддат ичида), барча ҳудудда иш олиб бориш учун шартнома тузилган бўлса, энг кам миқдорга етишини таъминлаш. Шунингдек, «Буюртмачи» дан дезинфекция ишларининг ҳавфсизлигини ва самарадорлигини шартноманинг 2-бандига асосан таъминлашни талаб қилади.

## 4. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШГА ҲАҚ ТЎЛАШ.

4.1 Ҳақ тўлаш «Буюртмачи» томонидан хар ойда, йилнинг мавсумига қараб, бажарилган иш ҳажмига қараб тақсимланади ва тўлаб бериш учун топшириқлар асосида тузилган хисоб варақа фактураси асосида тўлов амалга оширилади.

4.2 Иқтисодий ўзгаришлар бўлган тақдирда (дез.модда ва маҳсулотлар нархи, ойлик маошлари тарифлари асосида ошганда ва х.к.) «Иш бажарувчи» нархларга ўзгартириш киритиш мумкин, лекин бир чоракда фақат бир марта бу ҳақида «Буюртмачи» ни хабардор қилиши керак.

4.3 Тўловлар муддати кечиктирилганда, "Буюртмачи" кечиктирилган ҳар бир кун учун 0,5% миқдорида, лекин шартноманинг умумий суммасини 50%дан ошмаган миқдорда пеня тўлайди.

4.4 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995-йил 12-майдаги "Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташилотлар раҳбарларининг маъсулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонига асосан шартнома бўйича бажариладиган иш ҳажмини тўлиқ қийматининг 30%и миқдорда "Иш бажарувчи"нинг 15 банк кунида ҳисоб рақамига (сўмда) пул ўтказиш йўли билан олдиндан тўловни амалга оширади.

4.5 Тўлиқ хизматлар (ишлар) бажарилгандан сўнг бажарилган ишлар далолатномаси (ҳисоб фактура) асосида ҳар ойда "Иш бажарувчи"нинг ҳисоб рақамига ўтказиб берилади.

4.6 "Буюртмачи" тўловларни иш бажарилгандан сўнг 20 банк кунида қолган 70% тўлови "Иш бажарувчи"нинг махсус хисоб рақамига ўтказиб берилади.

## 5. ТОМОНЛАР ТАЛАБИ.

5.1 Дезинфекциянинг барча турлари бўйича ишлар «Буюртмачи» томонидан кўрсатилган навбатдаги бадал суммаси тўланган ва бу хақда куни ва рақами ёзилган тўлов қоғози кўрсатилгач бажарилади. «Иш бажарувчи» тадбирларга «Буюртмачи» томонидан ушбу шартноманинг 2-бандида кўрсатилган талаблар бажарилгач киришади. Акс ҳолда тўхтатилади ва барча жавобгарлик буюртмачи зиммасига юклатилади.

5.2 «Иш бажарувчи» кемирувчилар ва ҳашоратлар томонидан етказилган зарар учун жавобгарликни бўйнига олмайди, чунки унинг фаолияти уларнинг сонини камайтиришга қаратилган.

5.3 Агар «Иш бажарувчи» томонидан шартномада кўрсатилган мажбуриятлар (ушбу шартноманинг 3-бўлимига қаранг) бажарилган тақдирда «Буюртмачи» томонидан шартнома муддатидан аввал бузилса, бундай ҳолда буюртмачи қолган сумманинг ҳаммасини 10 кун муддат ичида тўлайди.

5.4 Ушбу шартнома бўйича муаммолар иқтисодий суди органларида ҳал қилинади.

## 6.ФОРС-МАЖОР.

6.1. Агар шартнома тузилгандан сўнг икки томон ўз мажбуриятларини ғайри табиий ҳолатлар , сув тошқини, ёнғин, ер қимирлаш ва табиий офатлар сабабли бажарилмаса хеч қайси томон тўла ёки қисман бажарилмаган мажбуриятлар учун жавобгар ҳисобланмайдилар.

Шартнома муддати «28» январ 2022 йилдан «31» март 2022 йилгача.

## ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛГОҲЛАРИ.

«Иш бажарувчи»
Вилоят дезинфекция станцияси
Термиз ш. Истиқлол кўчаси 104«А» уй
Тел. 221-38-74, 95-501-01-79
Термиз шаҳар Ипотека банк МФО: 00356
Х/р: 20210000700311846001
ИНН: 201290330 ОКОНХ: 91530

Бош врач Худойбердиев И. Б
Имзо ____________

Мухр

«Буюртмачи» Вилоят хокимияти Расмий мехмонлар қабуллар уйи
Бюджетдан маблағ олувчининг номи

Манзил Термиз тумани Сайробод мах.

Тел факс 762272525
Ш/х 100021860227207013902018001
ИНН 207152487 ОКОНХ 90020
Х/р 23402000300100001010
ИНН 201122919
Ғазначилик бўлинмаси Сурхондарё вилоят ғазначилик бошқармаси.

РАҲБАР: ____________ Н. Равшанов
(имзо) (ф. и. о)

Мухр

## ҲУҚУҚШУНОС ХУЛОСАСИ

Ушбу шартнома лойихасини амалдаги Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998-йил 19-августдаги «хўжалик юритувчи субъектлари фаолиятининг шартномавий ҳуқуқи базаси тўғрисида»ги қонунига, шартнома лойихасининг қонунчилик ҳужжатларига мос келишлигини аниқладим.

Шу сабабли ушбу шартномани имзоласа бўлади деб ҳисоблайман ва тасдиқлайман.

Ҳуқукшунос: Б,Нурматов